



2017 йил 24 март

№ 561-у

**2017 маъзилли дастур асосида қурилиши  
режалаштирилган савдо дукони биносини  
қуриш учун ер майдони танлаб ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, “Ер кодекси”нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йил 1 апрелдаги “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК билан келишилган №1-10/1135-сонли келишув хати ва йиғилиш баёни, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 15 майдаги №1187-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад тумани Шарқ юлдузи маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Рахмонов Алишер томонидан Нурабад тумани Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.0072 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор қабул қилини беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 14 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 18 майдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нурабад тумани Шарқ юлдузи маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Рахмонов Алишерга Нурабад тумани Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.0072 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 18 майдаги далолатномаси тасдиқлансин.



2. Фуқаро Раҳмонов Алишерга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириги) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.
- вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:
- қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:
- тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:
- қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Раҳмонов Алишер томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Раҳмонов Алишер томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг вазифадорлари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф. Заиров